

Йигирма биринчи аср сўнггида инсониятга тақдим этилган хайратланарли восита – Интернет маданиятимизга, санъатимиз ва адабиётимизга кай даражада кучли таъсир кила олади, у таъсир яхшими-ёмонми деган бахслар анчадан бери давом этиб келмокда.

Модомики, гап Интернетнинг адабиётга ва адабий мухитга таъсири хакида борар экан, у холда мазкур ходисанинг таҳдидли томонлари билан бирга, яхши томонларининг кўплиги, бошловчи ижодкорлар учун хам, професионаллар учун хам ўнгай восита экани хакида гапиришимиз керак.

Адабиёт интернетга кўчиб ўта бошлаганига бир неча йил бўлди, холос. Лекин шу холатнинг ўзиёк келажакда босма нашрлар ва Интернет адабиёти орасидаги чегара йўколиб, адабиёт Интернетга тамомила кўчиб ўтса нима бўлади, деган хавотирларга олиб келди.

Мазмунан карасак, Интернетнинг адабиётга таъсири, бор-йўги, икки омилдан иборат. Биринчиси – кўп йиллардан бери яккахокимлик килиб келаётган когоз ва матбаа саноатининг четга сурилиши. Иккинчиси, адаб билан ўкувчи орасидаги масофанинг (шунигдек, нашриёт ва китоб савдоси номи остидаги тижорий воситачининг) йўколиши.

Интернет адабиётидаги барча янгиликлар, асосан, мана шу икки омил туфайлидир. Яъни интернет – адабиёт учун янги бир мавжудлик худуди, ёзувчини-асарни-ўкувчини айни онда бир жойга келтира оладиган янги макондир. Интернетта кўчган адабиёт янги жанрларни ёки маданий ўзгаришларни пайдо килмайди, замонавий технологик имконлар туфайли адабиёт маконини ўзгартиради, холос.

Бизлар кўп йиллардан бери китоб ортидаги ижодкорни ва гоҳо телевизор экранида кўриниб турадиган ижодкорни таниймиз. Лекин Интернетдаги ижодкор тамомила “бошка”, имконлари чексиз ижодкордир. У асарини ўзи хоҳлаган шаклда, ранг ва дизайнда, хоҳлаган безаклари билан эълон кила олади, изоҳлар киритади, айни вактнинг ўзида таҳрир хам кила олади. Айни вактда ўкувчининг фикрларига, ижтимоий ходисаларга муносабат хам билдиради, масалан, шу дамда нимани ўйлаётганини хам билдира олади. Ўкувчи эса муайян асар юзасидан истаган вактида адаб билан мулокотга киришиши, мулоҳазаларини баён этиши, хатто маҳсус дастурлар оркали юзма-юз мулокотга хам киришиши мумкин. Мулокотнинг ривожи шу тарзда юз беради ва

“фаол ўкувчи”ни пайдо килади. Бунинг яхши томонини кўра олишимиз керак. Айнан шу боис “йўколган ўкувчи”ни топиш имкони пайдо бўлади. Чунки, жамиятда рўй берган турли ижтимоий метаморфозалар окибатида ёзувчи ўзининг ўкувчиси хакидаги аник тасаввурини йўкотиб кўйди. Ёзувчи феноменининг бетакрорлиги айнан унинг истеъдодида, дунёни “учинчи” (яъни басират) кўзи билан кўра олишида бўлгани холда, оммавий тижорат адабиётидан (детективлардан, ишқ-мухаббат киссаларидан ва б.) “кочиб”, асосан, “ўзлари учун”, тор адабий давра учун ёза бошладилар. Баъзан мана шу холат умумий коида тусини олиб, поп-маданият хамда санъатнинг агрессиврок бошка турлари томонидан сикиб чикарилаётган адабиёт умрининг тугаши хакидаги тахминларни хам келтириб чикармокда. Лекин бу ерда гап адабиётнинг тамом бўлишида эмас, ўкувчидан узилиб колишида кетмокда. Чунки, ёзиш жараёнида адиб ўкувчини, мутолаа жараёнида ўкувчи адибни тасаввур килади. Муаллиф бўшликка хитоб килиши сира мумкин эмас. Шу нуктаи назардан карасак, адабиётнинг Интернетга кўча бошлиши янги ходисаларни, ўз ёзувчиларини кутаётган янгидан-янги ўкувчилар катламларини очиши мумкин. Тўгри, ўкувчиларнинг асосий катлами хозирча Интернет билан унча таниш эмас. Лекин тараккиётнинг бугунги суръатига караб, бир неча йилдан кейин Интернет худди телевидение каби кундалик эҳтиёжга айланиши мумкинлигини эҳтимолдан сокит килиш кийин. У холда, хозирги Интернет кўлланувчиларни сирам “олакурок оломон” деб атаб бўлмайди, улар – эртанги куннинг постиндустриал жамиятининг илгор кисми, йигирма-ўттиз ёш орасидаги бугуннинг ёшлари эртанги куннинг профессионалларидир.

Шунингдек, интернет янги, хали нотаниш муаллифларнинг пайдо бўлиш маконига айланиб бораётир. У – ўз услубини ва сўзини айтишни эндиғина ўрганаётган ёшлар учун машқ майдони, шунингдек, машаккатли шу юмушни эплай олмаганлар учун хам тинчгина, беташвиш бир макон хамдир.

Интернетдаги асар босма асардан бошкacha киёфага эга. Китоб бир неча ой ичida босилиб, шундан кейингина адабий мутахассисларга ва ўкувчиларга етиб боради. Бунинг учун орада катта маблаг сарфланади, у сарфнинг охирги халкаси ўкувчи ёки танкидчидир. Ўкувчилар китоб янгиликларидан хабардор бўлишлари учун муттасил китоб дўконига кириб туришлари ёки ўша янгиликлардан хабардор килиб турадиган бошка нашрларни сотиб олишлари зарур. Етти юз миллиондан ошик кишини бирлаштирган Facebook ёки Twitter каби ижтимоий тармокларда китоб reklamasи жуда осон иш. Киши ўтирган жойидан жилмасдан у китоб билан танишиб чикиши, мутахассисларнинг ёки ўкувчиларнинг фикрларини ўрганиши, муносабат билдириши мумкин ва хоказо.

Юксак адабиётга келсак, бу ўринда ахвол бошкачарок. Фаоллик нуктаи назаридан карасак, Интернет ўкувчилари кўпроқ “иккинчи даражали” адабиёт эканини, такдим

килинаётган асарларда дилетантлик, такрорлар ва таклидлар кўплигини кўрамиз. Лекин кимдир кайсиdir сахифага нимадир ёзса, бу хали уни кишилар ўкийди ва юксак санъат намунаси сифатида кабул килинади, дегани эмас. Мўътабар нашрларнинг электрон сахифаларидан ёки кутубхоналардан ўрин олиш учун ўша нашр талаблари асосида саралаш боскичидан ўтиш лозим. Яъни адабий хаётнинг асосий марказлари – журналлар, танловлар ва хоказолар Интернетга кўчиши билан уларнинг ахамияти камайиб колмайди, балки ортади.

Шундай экан, у холда нашрларнинг умри нечук нихоя топсин?

Интернет хозирча китоб ва нашр индустрияси билан жиддий ракобат кила оладиган кучга эга эмас, аксинча, босма адабиётни тўлдириб, уни таргиги килиш вазифасини бажармокда. Буни Интернетда параллел равишда мавжуд адабий нашрларнинг сайтлари мисолида кўrsa бўлади. Масалан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг, “Шарқ юлдузи” журнали интернет “клон”лари хам расмий сахифа кўринишида, хам Facebook ижтимоий тармогида муваффакият билан фаолият олиб боряпти. “Шарқ юлдузи” журналининг ижтимоий тармокдаги сахифасига уч ойда икки минг киши аъзо бўлгани бунинг исботи. Турли нашиёт-ижод уйларининг Интернет-сахифаларида чоп этилган китоблар хакида маълумотлар бериб борилмокда, булар каторида “Ўзбекистон”, “Шарқ”, “Гафур Гулом”, “Чўлпон” ва хусусий нашиётларни санаш мумкин. “Ziyo.uz” (Нигора Умарова иштирокида) сайти олиб бораётган ва ўзбек адабиёти таргибу ташвикига каратилган фаолият хакида хам илик фикрлар билдириш мумкин ва керак.

Аммо, модомики, ракобат мавжуд деган фикр бор экан, у холда ноширлик фаолияти ва Интернет ўртасида эмас, балки юксак санъат ва турли-туман виртуал ўйин-кулгилар орасида ракобат бор, деб караш керак.

Шу ўринда Интернет нафакат ўкувчига, балки адига хам ўзга киёфа баҳш этиши хакида тўхтамокчиман.

Бугуннинг шиддати аро муаллифнинг ўзи жанрга айланмокда. Бу – хакикатан хам галати ва фавқулодда бир ходисадир. Хаддан ортиқ кўпайиб кетган ахборотлар аро маълум бир авторни танлаш учун асар жуда оригинал ва жозибадор бўлиши шарт. Жанр цензурасининг йўколиши бугунгача кўрилмаган бошка шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келмокда. Асарда нима хакда гап кетаётгани, фалсафами, публицистиками, поэтиками – жанри эмас, балки айнан адиб – унинг тафаккури, тасаввури, услуги,

хаётни такрорланмас йўсинда бадииятга айлантира олиш кобилияти биринчи ўринга чикмоқда.

Автор хатто ўзини-ўзи кўпайтириши, ўз электрон журналини ёки кутубхонасини хам яратиши мумкин. Интернетдан ташкарида бу ишларни амалга ошириш мушкул иш. Энг асосийси, у асарини ўзи кандай истаса, шундай тақдим килиш имконига эга. Истаса, изохлар, суратлар ва хатто видео билан. Интернетда авторнинг бутун ижоди битта катта китобга айланади. Реал хаётда ижодни тартибга соладиган икки омил бор, бу – китоб дўкони ва кутубхона. Интернетда эса китоб дўкони, кутубхона, уй-музей, фотосуратлар, замондошларнинг ёки танқидчиларнинг таассуротлари, шахсий хаёт... хаммаси кўл етадиган якин бир жойда, компьютер, планшет ёхуд (хатто!) кўл телефонида турибди.

Нашриётнинг устун томони халкаро ISBN код бера олишидадир. ISBN коди муаллифнинг бутун дунёда муаллифлик хукукини химоя киладиган унсурдир. Факатгина шу нарса Интернетдаги асарларнинг расмий тус олмаслигига сабаб бўлиб турибди. Чунки Интернетда хозирча шундай имконият йўк.

Эндиликда асарнинг кенг таркалиши учун нашр тизими бирдан бир йўл бўлмайди, табиийки, адабиётнинг ортида турган ва гоҳо “адабиёт – менсиз яшай олмайди” деб даъво киладиган тижорий муносабатларни янгилайди, асарни тақдим килишнинг янги усулларини белгилайди.

Бу – нашр тизими тамомила маҳв бўлади дегани эмас, сифатли когозга босилган залворли, гўзал китоб элитар маҳсулот бўлиб колаверади ва хос кишиларнинг жавонларидан жой олади.

Бу тезкор мулокот воситасининг ажабтовур меваларидан хозирданок баҳраманд бўлмоқдамиз. Масалан, “ziyo.uz” сайтида 3 мингдан ортиқ китоб бор. Гафур Гуломнинг танланган асарларини, Эркин Вохидовнинг ёки Абдулла Ориповнинг илк тўпламларини хозир хеч кайси дўкондан топа олмайсиз, аммо Интернетда бор, марҳамат.

Ха, хавотирга хам ўрин йўк эмас, чунки Интернет – хар ким ўз фикрини айтиш хукукига эга бўлган умумий демократик макондир. Лекин келажакнинг мулокот технологияси

хозирча мана шу. Барибарам, Интернет бир томондан янги феноменни хосил килгани билан, ёзувчи ёки ўкувчисиз мавжуд бўла олмайди. Шу сабабдан хам президент Ислом Каримов “Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўкимай кўйди, деб факат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирchan замонавий ахборот воситалари оркали адабиётимизни кенг таргиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида хам жиддий бош котириш зарур, деб ўйлайман. Бу хакда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафакат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий хаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз. Айни вактда, ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халкимизга якинлаштириш, бу ноёб меросни хакикатан хам маънавиятимизнинг хаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало, адабиёт ахлининг вазифаси, десак, хеч кандай хато бўлмайди”, деганида, шулар хам назарда тутилган бўлиши мумкин. Хулласки, тахлиллар ва кузатишлар сўнггида шуни тўла ишонч билан айта оламанки, Интернетда бўладими, бошка нетдами, хар канакасига хам, олди-сотди муносабатларига асосланган тижорий ёзмалар эмас, балки бетакрор, гўзал ходиса бўлмиш Инсон фикру тафаккури, калбининг фавкулодда гўзал ва такрорланмас баёни, инсоният орзуларию изтироблари, миллат тилининг ва рухиятининг акл бовар килмас ажойиб гўзалликларини акс эттира олган адабиёт, яъни хакикий Адабиёт мангу яшайверади!